

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

439 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2156*

(2010 йил 29 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 230-модда) 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 24 ноябрдаги 9 ва 01-02/12-39-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган транспорт воситаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1430, 2004 йил 14 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 50-сон, 504-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 28 октябрь,
01-02/12-8-сон

Ички ишлар вазири**Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 28 октябрь,
20-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар
вазирлигининг 2010 йил 28 октябрдаги
01-02/12-8, 20-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган
транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан
ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги
хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда), Ўзбекистон Республикаси «Божхона хизмати тўғрисидаги» Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги 408-сон қарорига, 1997 йил 26 майдаги «Автомобилтранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида»ги 256-сон қарорига ва 2004 йил 17 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш шартлари тўғрисида»ги 399-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига транспорт воситаларини олиб кириш, божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартибини белгилаб беради.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олинмайдиган транспорт воситаларига татбиқ қилинмайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси божхона органларида божхона расмийлаштирувидан ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига транспорт воситаларини қуйидаги шартлар бажарилганда олиб киришлари мумкин:

транспорт воситалари белгиланган тартибда декларация қилинганда;

тегишли божхона тўловлари тўланганда ёки тўловларнинг тўланиши таъминланганда;

зарур ҳолларда қонун ҳужжатлари асосида расмийлаштирилган шартнома тақдим этилганда;

ваколатли органлар рухсатномаси тақдим этилганда, агар товар ушбу органлар назоратида бўлса.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

транспорт воситалари — Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Товар номенклатурасининг (кейинги ўринларда «ТИФ ТН» деб юритилади) 8701 — 8705, 8709, 8711, 8716 товар позицияларида таснифланадиган ва автомобиль йўлларида йўловчилар, багажларни, юкларни ташишга ва махсус ишларни бажаришга мўлжалланган воситалар, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари.

товар сифатида олиб кириладиган транспорт воситалари — хорижий давлатларнинг рўйхатга олиш идораларида рўйхатдан чиқарилган ёки рўйхатида бўлмаган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган транспорт воситалари ҳамда уларнинг рақамли агрегатлари (двигатель, кузов ва шасси);

хорижий транспорт воситалари — хорижий давлатларнинг рўйхатга олиш идораларида рўйхатда турган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига:

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш;

юклар ва йўловчиларни халқаро ташиш мақсадларида вақтинча олиб кириладиган транспорт воситалари.

транспорт воситасининг эгаси — транспорт воситасига мулк ҳуқуқида ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларда эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

кириш (чиқиш) божхона пости — ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармасининг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширувчи ва унинг таркибига кирувчи, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг ўтиш пунктида жойлашган божхона органи;

ташқи иқтисодий фаолият божхона пости (кейинги ўринларда «ТИФ божхона пости» деб юритилади) — ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармасининг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширувчи ва унинг таркибига кирувчи, товарлар ва транспорт воситаларини тегишли божхона режимларига божхона расмийлаштирувидан ўтказувчи божхона органи;

ЮЕБНК — юкни етказиб бериш назорат китобчаси, Товарларни автомобиль транспортида божхона назорати остида етказиш қоидаларига (рўйхат рақами 875, 2000 йил 19 январь) мувофиқ товарларни автомобиль транс-

портида божхона назорати остида етказиб берилишини назорат қилишда фойдаланиладиган ҳужжат;

ХЙТ китобчаси — 1975 йилдаги юкларни халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона Конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 290, 1996 йил 10 декабрь) мувофиқ товарларни автомобиль транспортида божхона назорати остида етказиб берилишини назорат қилишда фойдаланиладиган ҳужжат;

«Авто» ЯААТ — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Авто» ягона автоматлаштирилган ахборот тизими.

II. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар сифатида олиб кириладиган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш

3. Товар сифатида олиб кириладиган транспорт воситасини ТИФ божхона постига божхона назорати остида етказиб берилишини назорат қилиш учун кириш божхона пости томонидан белгиланган тартиб асосида ЮЕБНК расмийлаштирилади. Агар товар сифатида олиб келинадиган транспорт воситаси ХЙТ китобчаси асосида олиб кириладиган бўлса, у ҳолда ЮЕБНК расмийлаштирилмайди ва ХЙТ китобчаси товар сифатида олиб кириладиган транспорт воситасини ТИФ божхона постига божхона назорати остида етказиб берилишини назорат қилиш учун етарли бўлиб ҳисобланади.

4. Товар сифатидаги транспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит равишда олиб ўтилган тақдирда унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетилишини назорат қилиш мақсадида кириш божхона постида ЮЕБНК ёки ХЙТ китобчаси расмийлаштирилади ва чиқиш божхона постида назоратдан ечилади.

5. Товар сифатида олиб кирилган транспорт воситаси фаолият ҳудудидан транспорт воситаси эгасининг доимий яшаш жойи бўлган ТИФ божхона постида божхона расмийлаштирувидан ўтказилади.

6. Товар сифатида олиб кирилган транспорт воситаси эркин муомалага чиқариш божхона режимига расмийлаштирилгандан сўнг унинг эгасига ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ «Транспорт воситасини олиб кириш гувоҳномаси» (кейинги ўринларда «гувоҳнома» деб юритилади) берилади.

Транспорт воситаси ва рақамли агрегатларнинг ҳар бирига алоҳида гувоҳнома берилади.

7. Гувоҳнома қатъий ҳисобда турадиган, химоя даражасига, серияга, ҳудудий кодга ва тартиб рақамига эга бўлган «Давлат белгиси» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланадиган гербли (махсус) бланкаларда ишлаб чиқарилади.

8. Мазкур боб талаблари чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан товар сифатида олиб кириладиган транспорт воситалари учун ҳам татбиқ этилади.

**III. Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси
худудига товар сифатида олиб кирилаётган транспорт
воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш**

9. Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товар сифатида олиб кирилаётган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг умумий қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Товар сифатида олиб кирилган транспорт воситаси эркин муомалага чиқариш божхона режимига расмийлаштирилганда, ТИФ божхона пости томонидан гувоҳнома берилади.

Ишлаб чиқариш учун олиб келинаётган рақамли агрегатларга (двигатель, кузов ва шасси) гувоҳнома берилмайди.

**IV. Ўзбекистон Республикаси худудига чет эл фуқаролари ва
Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшаш жойига
эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан
шахсий эҳтиёжлари учун вақтинча олиб кирилаётган
хорижий транспорт воситаларини божхона
расмийлаштирувидан
ўтказиш**

10. Чет эл фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахслар шахсий эҳтиёжларини қондириш учун хорижий транспорт воситаларини вақтинча олиб кириши мумкин.

Вақтинча олиб кирилаётган хорижий транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар кириш божхона постида унинг ҳайдовчиси томонидан Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 1342, 2004 йил 23 апрель) билан тасдиқланган Т-6 шаклидаги божхона декларациясининг 6-банди «б» графасида кўрсатилади.

11. Хорижий транспорт воситаси қайта олиб чиқиб кетилишини назорат қилиш мақсадида унинг ҳайдовчиси томонидан тақдим этиладиган ҳайдовчининг паспорти, транспорт воситасининг техник паспорти, техник талони асосида кириш божхона пости томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ икки нусхада «Транспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» (кейинги ўринларда «мажбуриятнома» деб юритилади) расмийлаштирилади ва тегишли маълумотлар «Авто» ЯААТга кириштилади.

Мажбуриятноманинг биринчи нусхаси божхона пости иш юритувида қолади, иккинчи нусхаси эса хорижий транспорт воситаси ҳайдовчисига берилади.

12. Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий транспорт воситасидан

фойдаланишда унинг ҳайдовчиси доимий равишда ўзи билан бирга мажбуриятномани олиб юриши шарт.

13. Хорижий транспорт воситалари ушбу Низомнинг 10-бандига мувофиқ олиб кирилганда божхона тўловларидан тўлиқ озод қилиш уч ойгача бўлган муддатига берилади.

Ушбу муддат тугагач, хорижий транспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши ёки даврий божхона тўловларини тўлаган ҳолда вақтинчалик олиб кириш режимига ёхуд бошқа божхона режимига жойлаштирилиши лозим.

14. Хорижий транспорт воситасини қайта олиб чиқиб кетиш муддати мазкур Низомнинг 13-бандида қайд этилган муддат доирасида божхона органлари томонидан узайтирилиши мумкин. Бунда, ушбу транспорт воситаси ҳайдовчисининг мурожаати ва унинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддати инобатга олинади.

15. Қайта олиб чиқиб кетиш муддатини узайтириш учун хорижий транспорт воситасининг ҳайдовчиси белгиланган муддат тугашидан уч кун аввал Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ушбу хорижий транспорт воситаси турган жойдаги ҳудудий бошқармасига муддатни узайтиришнинг сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда мурожаат қилиши лозим.

Муддатни узайтириш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси икки кунлик муддат ичида:

кириш божхона пости бўйсунадиган Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасига ва мурожаат қилган шахсга қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма маълум қилади;

«Авто» ЯААТда аввал киритилган муддатни ўзгартиради.

16. Хорижий давлатлар дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг дипломатик агентлари ҳамда маъмурий-техник ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган уларнинг оила аъзолари томонидан шахсий фойдаланиш мақсадида олиб кириладиган транспорт воситалари халқаро ҳуқуқ ва давлатлараро битимлар меъёрларига асосан божхона расмийлаштирувидан ўтказилиб, ваколатли органлар томонидан аккредитация қилинган муддатларни инобатга олган ҳолда вақтинча олиб кириш божхона режимига божхона тўловларидан озод этилган ҳолда жойлаштирилади.

17. Қайта олиб чиқиб кетишда хорижий транспорт воситаси ушбу хорижий транспорт воситасига кириш божхона постида расмийлаштирилган мажбуриятномани «Авто» ЯААТдан назоратдан ечиш орқали назоратдан чиқарилади. Шу мақсадда хорижий транспорт воситасининг ҳайдовчиси чиқиш божхона постига кириш божхона пости томонидан ёзиб берилган мажбуриятномани тақдим этади. Чиқиш божхона пости мансабдор шахси мажбуриятномада чиқиш санасини кўрсатган ҳолда уни имзоси ва муҳри билан тасдиқлайди. Божхона органи мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган мажбуриятнома божхона пости иш юритувида қолади.

18. Хорижий транспорт воситаси мусодара қилинган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида енгиб бўлмас куч ёки йўл транспорт ҳодисаси юз бериши натижасида фойдаланишга мутлақо яроқсиз ҳолга келганда, мажбуриятнома мусодара қилиш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли орган жойлашган, енгиб бўлмас куч ёки йўл транспорт ҳодисаси юз берган ҳудуддаги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан назоратдан ечилади.

19. Енгиб бўлмас куч ҳолати ушбу ҳолат юз берган ҳудуддаги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда тасдиқланади.

V. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига юк ва йўловчи ташиш мақсадида вақтинча олиб кирилаётган хорижий транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш

20. Хорижий транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан одамлар ва юкларни халқаро ташувларда фойдаланиладиган контейнерлар, поддонлар ва кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкаларнинг бошқа турларини божхона тўловларидан тўлиқ озод этилган ҳолда вақтинча олиб кирилишига рухсат берилади.

Кўрсатилган транспорт воситалари хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан олиб кирилиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкаларнинг бошқа турларини четдан вақтинчалик олиб келишни божхона тўловларидан тўлиқ озод қилиш транспорт операцияларини амалга ошириш муддатига, лекин транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари учун — бир ойдан кўп бўлмаган муддатга ҳамда кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкалар учун — уч ойдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

21. Вақтинча олиб кирилаётган хорижий транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар кириш божхона постида унинг ҳайдовчиси томонидан Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 1342, 2004 йил 23 апрель) билан тасдиқланган Т-6 шаклидаги божхона декларациясининг 6-банди «б» графасида кўрсатилади.

22. Хорижий транспорт воситасини қайта олиб чиқиб кетилиши устидан божхона назоратини амалга ошириш мақсадида кириш божхона пости томонидан икки нусхада мажбуриятнома ёзилади.

Мажбуриятноманинг биринчи нусхаси божхона пости иш юритувида

қолади, иккинчи нусхаси эса хорижий транспорт воситаси ҳайдовчисига берилади.

23. Хорижий транспорт воситасини қайтариб олиб чиқиб кетиш муддати ушбу транспорт воситаси ҳайдовчисининг мурожаати ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ташиш учун кетадиган вақтни инобатга олган ҳолда кириш божхона пости томонидан белгиланади.

Қайта олиб чиқиб кетиш муддатини узайтириш учун хорижий транспорт воситасининг ҳайдовчиси белгиланган муддат тугашидан уч кун аввал транспорт воситаси турган ҳудуддаги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасига муддатни узайтиришнинг сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда мурожаат қилиши лозим.

24. Қайта олиб чиқиб кетиш муддати мазкур Низомнинг 20-бандида қайд этилган муддат доирасида узайтирилиши мумкин. Муддатни узайтириш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси икки кунлик муддат ичида:

кириш божхона пости бўйсунадиган Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасига ва мурожаат қилган шахсга қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма маълум қилади;

«Авто» ЯААТда аввал киритилган муддатни ўзгартиради.

25. Қайта олиб чиқиб кетилаётган хорижий транспорт воситаси ушбу Низомнинг 17 ва 18-бандларида кўрсатилган тартибда назоратдан ечилади.

VI. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ва мажбуриятнома ўрнига дубликат бериш

26. Гувоҳнома дубликатини олиш учун транспорт воситаси ҳайдовчиси гувоҳноманинг йўқолиши ёки яроқсиз ҳолга келишининг сабабларини кўрсатган ҳолда ушбу гувоҳномани берган ТИФ божхона пости бўйсунадиган Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасига ёзма ариза билан мурожаат қилади. Аризага ҳайдовчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Гувоҳнома дубликатини олиш учун юридик шахс томонидан мурожаат қилинганда, мурожаатнома ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланади.

27. Гувоҳноманинг дубликатини бериш тўғрисидаги мурожаатнома келиб тушганда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи ёки унинг ўринбосарининг топшириғига асосан йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳномани расмийлаштирган ТИФ божхона пости томонидан янги гувоҳнома ёзиб берилади. Берилган гувоҳноманинг тепа ўнг бурчагига «Дубликат» деб ёзилиб, йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳноманинг рақами кўрсатилади ва божхона постининг мансабдор шахси имзоси ҳамда шахсий муҳри билан тасдиқланади.

Йўқолган гувоҳномалар рақамлари бўйича ҳудудий божхона бошқармалари томонидан йўқолганлиги аниқланган кундан сўнг бир иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига маълумот юбо-

рилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига ҳудудий бошқармалардан маълумот келиб тушгандан сўнг уч иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига тегишли маълумот юборилади.

28. Мажбуриятноманинг дубликатини олиш учун транспорт воситаси жойлашган ҳудуддаги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасига транспорт воситаси ҳайдовчиси ёзма ариза билан муурожаат қилади. Аризага мазкур Низомнинг 11-банди биринчи хатбошида кўрсатилган ҳужжатлар нусхалари илова қилиниши лозим.

29. Мажбуриятнома дубликатини бериш тўғрисидаги ариза келиб тушганда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан «Авто» ЯААТдан олдинги ёзилган мажбуриятномага тегишли маълумотлар ва транспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш муддати текширилади. Транспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш муддати ўтиб кетганлиги аниқланган тақдирда, божхона органининг мансабдор шахси томонидан қонун ҳужжатлари асосида тегишли чоралар кўрилади.

30. Кўриб чиқиш якуни бўйича уч иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан «Авто» ЯААТдан босмадан чиқариш орқали мажбуриятнома дубликати берилади. Мажбуриятноманинг юқори ўнг бурчагига «Дубликат» деб ёзилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи ёки унинг ўринбосари имзоси ва котибият муҳри билан тасдиқланади.

VII. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар сифатида олиб кириладиган транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш

31. Транспорт воситасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эркин муомалага чиқариш ёки олти ойдан ортиқ муддатга вақтинча олиб кириш божхона режимларига расмийлаштирган шахслар божхона юк декларацияси расмийлаштирилган кундан сўнг 10 кун муддат ичида транспорт воситасини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказишлари шарт.

32. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган транспорт воситаларини ва уларнинг рақамли агрегатларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш учун асос гувоҳнома бўлиб ҳисобланади.

Ваколатли идоралар томонидан мусодара қилинган транспорт воситалари ва уларнинг рақамлари агрегатларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш учун гувоҳнома талаб этилмайди.

Эркин муомалага чиқариш божхона режимига расмийлаштирилган транспорт воситалари учун берилган гувоҳномалар 5 йил давомида, вақтинча олиб кириш божхона режимига расмийлаштирилган транспорт воситалари учун берилган гувоҳномалар эса вақтинчалик олиб кириш муддати тугагандан сўнг 3 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида сақланади.

33. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан хорижий транспорт воситаларини вақтинча олиб кириш муддати:

уч ойдан олти ойгача бўлган тақдирда — транспорт воситаси божхона органларида ҳисобга қўйилади;

олти ойдан ортиқ бўлган тақдирда — хорижий рақамларни миллий рақамларга алмаштирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилади.

VIII. Яқуний қоидалар

34. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари билан ҳар чорак якуни бўйича эркин муомалага чиқарилган ҳамда вақтинча олиб кирилган транспорт воситалари бўйича солиштириш ишларини амалга оширадилар.

Зарур бўлган ҳолларда божхона органлари қидириладиган хорижий транспорт воситаси рўйхатдан ўтган хорижий давлат божхона органига тегишли сўровнома юборадилар.

35. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кирилган хорижий транспорт воситалари белгиланган муддатларда олиб чиқилмаган тақдирда, божхона органлари ички ишлар органлари билан ҳамкорликда ўзаро ахборот алмашинуви йўли билан ушбу транспорт воситаларини қидириб топиш чораларини кўрадилар.

36. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари хорижий транспорт воситаларининг қайтариб олиб чиқиш муддатлари бузилганлиги ҳоллари аниқланган кундан бошлаб, уч иш куни мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш учун божхона органларини хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари маълумоти асосида божхона органининг мансабдор шахси аниқланган қонунбузилиш ҳолати юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўради.

37. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб
кириладиган транспорт воситаларини божхо-
на расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекис-
тон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
худудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги
хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби

АА 00 000000-сон*

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ОЛИБ КИРИШ
ГУВОҲНОМАСИ (ИМ40/0)**

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ОЛИБ КИРИШ
ГУВОҲНОМАСИ (ИМ40/1)**

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ВАҚТИНЧА ОЛИБ КИРИШ
ГУВОҲНОМАСИ (ИМ 31)**

(божхона органи номи)

Мазкур гувоҳнома қуйидаги транспорт воситасини тасдиқлайди:

Тури, русуми _____

Ишлаб чиқарилган йили _____

Эксплуатация муддати ва қанча масофани босиб ўтганлиги _____

Двигатель ҳажми _____ Двигатель қуввати (киловатт ёки от кучи) _____

Юк қўтариш қобилияти _____ Ўриндиқлар сони _____

Идентификация рақами _____ Кузов рақами _____

Двигатель рақами _____ Шасси рақами _____

ТИФ ТН коди _____ Рўйхат рақами _____

Божхона қиймати _____

Тақдим этилган ҳужжатларга кўра қиймати _____

Транспорт воситаси эгаси тўғрисидаги маълумотлар:

(автотранспорт воситаси эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми)

(яшаш жойи ва манзили)

Божхона органининг белгилари учун _____

(транспорт воситаси вақтинча олиб кирилганда)

* Транспорт воситасини (вақтинча) олиб кириш гувоҳномаси ўзбек ва рус тилларида
чоп этилиши мумкин.

божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар берилганда, транспорт воситаси ўзга шахсга фойдаланишга,

эгаллик қилишга бериш ёки ўзгача равишда ўтказишга чеклов қўйилганда кўрсатилади)

20__ йил «__» _____ М.Ў. _____
(божхона органи мансабдор шахсининг имзоси)

Гувоҳномани олдим _____
(транспорт воситаси эгасининг имзоси ёки унинг вакилининг фамилияси, исми ва отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб
кирилатган транспорт воситаларини божхо-
на расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекис-
тон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги
хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Транспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида М А Ж Б У Р И Я Т Н О М А*

_____ / _____ / _____ -сон
(пост коди) (тўлдириш санаси) (тартиб рақами)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишнинг бутун даври мобайнида сақланади ва чиқиш божхона органига тақдим этилади. Керакли жавоб тегишли рамкада Х белгиси билан қайд этилади

1. Транспорт воситаси ҳайдовчиси тўғрисидаги маълумотлар: Ҳаракатланиш тури:

Фамилияси: _____ Кириш

Исми: _____

Отасининг исми: _____ Транзит

Паспорт серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган: _____

_____ доний истикомат мамлакати

_____ фуқаролиги (табаалиги)

_____ қайси мамлакатдан келди

_____ қайси мамлакатга кетаяпти

* Мажбуриятнома ўзбек ва рус тилларида чоп этилиши мумкин.

Келиш мақсади ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш ҳудуди: _____

2. Транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар:

Давлат рақами _____	Тиркама/ярим тиркама давлат рақами _____
Русуми _____ ранги _____	Двигатель № _____
Тури: енгил <input type="checkbox"/> юк <input type="checkbox"/> автобус <input type="checkbox"/>	Кузов № _____
Шасси № _____	Техник паспорт рақами _____
Ишлаб чиқарилган йили _____	Қачон ва ким томонидан берилган _____

3. Транспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкалар тўғрисидаги маълумотлар:

№	Номи	Миқдори	Қиймати	Идентификация рақами
1.				
2.				

Транспорт воситасини қайта олиб чиқиб кетиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантирилдим.

20__ йил «__» _____ гача Ўзбекистон Республикасидан

олиб чиқиб кетиш мажбуриятини оламан: _____ (Транспорт воситаси ҳайдовчисининг Ф.И.Ш.) _____ (имзо)

Кириш божхона пости : _____	Чиқиш божхона пости : _____
Расмийлаштириш санаси: _____	Расмийлаштириш санаси: _____
Инспектор: _____	Инспектор: _____

Олиб чиқиб кетиш муддати:

20__ йил «__» _____ гача узайтирилди М.Ў. _____ (божхона органи мансабдор шахси Ф.И.Ш.) (имзо)

20__ йил «__» _____ гача узайтирилди М.Ў. _____ (божхона органи мансабдор шахси Ф.И.Ш.) (имзо)